

SHARQ MASH'ALI

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti
ilmiy-uslubiy, ma'rifiy jurnali

4
2021



*Илмий-услубий,
маънавий-маърифий журнал.*

*Таъсисчи:
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
Тошкент давлат шарқшунослик
университети*

1992 йилдан чиқа бошлаган

*Журнал Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот
бошқармаси рўйхатидан қайта ўтган
(№ 02-0055 26 сентябрь 2014 йил)*

Бош муҳаррир:

Г. РИХСИЕВА (доц., ф.ф.н.)

Таҳрир ҳайъати:

Н. АБДУЛЛАЕВ (доц., с.ф.н.) (бош
муҳаррир ўринбосари)

Х. АЛИМОВА (доц., ф.ф.д.) (масъул котиб)

А. МАННОНОВ (проф., ф.ф.д.)

Қ. СОДИҚОВ (проф., ф.ф.д.)

Р. ХОДЖАЕВА (проф., ф.ф.д.)

Ш. ШОЙМУСАРОВ (проф., ф.ф.д.)

Қ. ОМОНОВ (проф., ф.ф.д.)

У. МУҲИБОВА (проф., ф.ф.д.)

Д. МУҲИДДИНОВА (ф.ф.д.)

Х. ҲАМИДОВ (ф.ф. бўйича PhD)

Б. АБДУҲАЛИМОВ (проф., т.ф.д.)

А. ХОДЖАЕВ (проф., т.ф.д.)

М. ИСҲОҚОВ (проф., т.ф.д.)

Х. ФАЙЗИЕВ (доц., т.ф.н.)

Р. ЖУМАЕВ (проф., с.ф.д.)

У. ИДИРОВ (проф., с.ф.д.)

Ш. ЁВҚОЧЕВ (проф., с.ф.д.)

А. ВАҲОБОВ (проф., и.ф.д.)

Р. АБДУЛЛАЕВ (проф., и.ф.д.)

И. МАВЛНОВ (проф., и.ф.д.)

Д. ПЎЛАТОВА (проф., фал.ф.д.)

Р. БАХОДИРОВ (проф., фал.ф.д.)

Э. ИЗЗЕТОВА (проф., фал.ф.д.)

А. ШОНАЗАРОВА (АҚШнинг
Колумбия унив. проф.)

Г. ГЛИЗОН (АҚШнинг New Mexico
унив. проф.)

ОНО МАСАКИ (Япониянинг Цукуба
унив. проф.)

ЛИ ДЖИ ИН (Корея Республикасининг
Ханкук чет тиллар унив. проф.)

В. МЕСАМЕД (Ислонинг Кудус
унив. проф.)

А. ГҮРЕН (Туркияниг Анкара унив. проф.)

А.ВОРОБЬЕВ (Россия Фанлар
академияси, Шарқшунослик институти
кагта илмий ходими)

Г. АВДА (Миср Араб Республикасининг
Хелвон унив. проф.)

А. ТОХИР (Миср Араб Республикасининг
“Ал-Хивар” сиёсий таджикотлар маркази
директори)

ЛИ СИНЬВЭЙ (Хитой Халқ
Республикасининг Шъянси унив. проф.)

Ҳ. БАЙДЕМИР (Туркияниг Отатурк
унив. проф.)

SHARQ MASH'ALI

ISSN 2010-9709

МУНДАРИЖА № 4, 2021 йил

Синхрон таржима масалаларига бағишланган маҳсус сон

Синхрон таржисима назарияси	Ҳамидов X. Синхрон таржимада эҳтимолий башорат стратегияси 3 Мубаракова Д. Синхрон таржима муаммолари (араб ва ўзбек тили мисолида) 7 Мубаракова Д., Абдуллаева Р. Синхрон таржимада кутиш стратегияси (арабча-ўзбекча комбинация мисолида) 9 Мамараҷабов Б. Синхрон таржима назарияси тарихига бир назар 15 Назруллаева Г. Синхрон таржимада стратегиялар 17 Шамсиева Б. Синхрон таржимон маданият трансфери воситаси сифатида 21 Ахмедова Л. Таржима назариясида синхрон таржима масалалари 28
Синхрон ва кетма- кет таржисима амалиёти	Исакова Н. Языковые факторы в устном переводе 32 Шамсиева Ш., Сайдова Д. Хитой оммавий ахборот воситасида сиёсий табрик хабарлари лексикасининг морфологик хусусиятлари 42 Хасанова Ш. Синхрон таржимани амалга оширишдаги йўллар 45 Содиқова Д. Синхрон таржимонликнинг ўзига хос хусусиятлари 49 Абдулпаттахов Ж. Араб-ўзбек тиллари комбинациясида синхрон таржима: муаммолар ва ечимлар 53 Ҳамидов X., Юнусова X. Синхрон таржимада сиёсий лексикасининг берилиши (ўзбек ва араб тиллари мисолида) 58 Ходжаева Н., Джўраев Ш. Арабча-ўзбекча синхрон таржима комбинациясида исломий атамаларнинг берилиши (ҳадисий матн ва атамалар асосида) 64 Ҳамидов X., Номозова З. Хитой ва ўзбек тилларида синхрон таржима жараёнидаги муаммолар. синхронист маҳорати 71

 *SHARQ MASH'ARI*

<p>Нашрга тайёрловчилар: Ж. ИСМОИЛОВ А. ЗИЁДОВ Ш. АСКАРОВА Л. ҲАМДАМЗОДА Ҳ. СУЛАЙМОНОВА</p> <p>Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан филология ва тарих йўналиши бўйича илмий мақолалар чои этиладиган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.</p> <p>Журнал оригинал-макет асосида босилди. Sharq mash'ali, 2021 йил 4-сон. e-mail: nashriyot@tsuos.uz web-site: www.tsuos.uz Босишига руҳсат этилди 20.12.2021. Бичими 84x108 1/16 Шартли б.т. 7,75 100 нусхада босилди. Буюртма № Баҳоси келишилган нархда. Тошкент, Амир Темур кўчаси, 20. © Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2021 йил Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.</p>	<p><i>Синхрон таржиманинг умумий масалалари</i></p>	<p>Шамсидинов З. Форс тилидан сиёсий терминлар синхрон таржимаси хусусиятлари..... 76</p> <p>Хашимова С., Сафарова И. Хитой тилидан ўзлашган сиёсий терминлар 83</p> <p>Отаев М., Умарова М. Синхрон таржимада абревиатуралар хусусида (араб ва ўзбек тиллари мисолида) 89</p> <p>Шарипов Р., Ҳикматов Д. Ритмик синонимия ҳодисасини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганилганлиги ва синоним сўзларни синхрон ҳамда кетма-кет таржима жараёнида кўллаш усуллари 94</p> <p>Шарипов Р., Мухтарова М. Специфика методики подготовки синхронных переводчиков 99</p> <p>Шарипов Р., Жумабоеев О. Синхрон ва кетма-кет таржимада сиёсий-дипломатик терминларнинг берилиши 108</p> <p>Ҳамидов Ҳ., Исмоилова С. Икки тилли терминологик лугат тузиш принциплари (хитой тили мисолида) 111</p> <p>Рустамова М. Кобо Абэнинг “Қумдаги хотин” асари таржимасидаги ўхшатиш курилмалар бадиияти 116</p>
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

SHARQ MASN'ALI

21. (Ах.) – Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадис.
22. (Ун.) – «Унмузаж» китоби. Муаллиф: Муҳаммад Абу Бақр ибн Абдулқодир ар-Розий (вафоти 721 ҳ.й.), «Мухторус-сиҳоҳ» луғатининг муаллифи.
23. (Ҳд.) – «Ал-ҳидоя» китоби. Муаллиф: Бурхонуддин Абул Ҳасан Али ибн Аби Бақр ибн Абдилжалил ар-Рошидоний ал-Марғинонӣ (таваллуди 1123м. вафоти 1197м/593 ҳ.й.)
24. (Мх.) – «Мухтасарул-Викъоя» китоби. Муаллиф: Убайдулло ибн Масъуд. Қозон нашри. 1902 й.
25. (ЖР) – «Жомеур-румуз» китоби. У «Мухтасарул-Викъоя» китобининг шарҳи. Шориҳ: Шамсиддин Муҳаммад ал-Хуросоний ал-Қўҳистоний (вафоти 962 ҳ.й.). Қозон нашри 1902 й.
26. (С.а.н.) – «Си亞ру аъломин-нубало» китоби. Муаллиф: Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Захабий (вафоти 748 ҳ.й.). Байрут нашри. 1997 й.
27. (М.з.) – «Муружуз-заҳаб» китоби. Муаллиф: Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн ал-Масъудий (вафоти 346 ҳ.й.). Байрут нашри. 1984 й.
28. (Саъл) – «Қисасул-анбиё» китоби. Муаллиф Абу Ишоқ Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саълабий ан-Найсабурӣ (вафоти 427 ҳ.й.). Коҳира нашри. 1912 й.
29. (Ақ) – Ақоид фанига оид асарлар.



РИТМИК СИНОНИМИЯ ҲОДИСАСИНИ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИЛГАНЛИГИ ВА СИНОНИМ СЎЗЛАРНИ СИНХРОН ҲАМДА КЕТМА-КЕТ ТАРЖИМА ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШ УСУЛЛАРИ

ШАРИПОВ РУСТАМ

филология фанлари номзоди, доцент, ТДШУ

ҲИКМАТОВ ДИЛШОДЖОН

магистрант, ТДШУ

Аннотация. Уибу мақола синхрон таржима жараёнида таржимонлар кўп дуч келадиган масалалардан бири бўлган синоним сўзларни қай йўсинга таржима қилиши керак эканлиги юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижаси сифатда тақдим этилмоқда. Унда яхлит гап бўлакларини таржима қилиб, мисол тариқасида ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Бугунги “Янги Ўзбекистон” шиори остида олиб борилаётган очиқлик сиёсатида таржимонларга талаб катта, шу аснода масъулият ҳам ўзгача. Бу мақола орқали таржимонлар нафақат хитой ва ўзбек тилларида, балки ўзлари ўрганаётган тиллар доирасида ҳам кенг мушоҳада юритишига ва синонимия ҳодисасини таҳлил қилишига туртки бўлиши учун имкон қадар ҳаракат қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: синонимия, синхрон таржима, таржима-шунослик, кетма-кет таржима, ҳогиштирув, қиёсий лингвистика, таржима назарияси.

Аннотация. Данная статья посвящена исследованию вопроса перевода синонимов, являющегося одной из самых распространенных проблем в деятельности синхронных переводчиков. В ней сделана попытка теоретического и практического исследования данной проблемы. Естественно, что в настоящее время, когда наша страна ведёт политику открытости и дружелюбия, укрепляются международные связи со многими странами мира, ответственность, возлагаемая на переводчиков-синхронистов и требования, предъявляемые к ним возрастают в разы. В данной статье автор

сделал попытку сравнительно-типологического исследования явления ритмический синонимии, что является одним из важных моментов в деятельности синхронных переводчиков на примере узбекско-китайских переводов.

Опорные слова и выражения: синонимия, синхронный перевод, переводоведение, последовательный перевод, сравнение, сравнительное языкознание, теория перевода.

Abstract. This article is written for simultaneous interpreter may come across some problems during the interpreting how they can synonymous translate. In this article whole sentences are provided which they are translated. Everybody knows, nowadays under “the new Uzbekistan” slogan whole political process require new high quality translators. By this article translators may know apart from the process of synonym between chinese and uzbek languages, they can observant about how can translate to uzbek from the language which they are learning.

Keywords and expressions: synonymy, simultaneous translation, translation studies, sequential translation, comparison, comparative linguistics, translation theory.

Максад ва вазифалари. Таржима қилиш орқали луғатлар ва яхлит гап бўлакларидан фойдаланиб икки тил ўртасидаги синонимия ҳодисасида учрайдиган ўзига хос қийинчиликларни таржима усулида ёритиб бериш. Синхрон таржимон фаолиятида учраши мумкин бўлган муаммоли вазиятларга тайёр туришига йўлланма бериш.

Тадқиқот усули. Лингвистик-грамматик таҳлил ва таржимашунослик.

Эришилган натижалари. Синонимия бу кенг кўламли тушунча бўлиб, уни нутқ жараёнида қўллаган пайтда инсондан синонимларни моҳирлик билан фойдаланиш талаб этилади. Ўзбек тилида синонимия ҳодисаси остида икки хил сўзнинг айни бир маънони англатиши тушунилади. Хитой тилида ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар учрайди. Хитой тилшунослигида маъноси бир-бирига яқин, лекин турлича талаффуз қилинадиган сўзлар синонимлар деб аталади. Бунда жуда кўп жиҳатлар эътиборга олинади.

“Ҳозирги замон хитой тили” (现代汉语书) китобини мисол қилиб оладиган бўлсак, унда: “Синоним сўзлар фақатгина турли хил талаффуз ва оҳангга эга бўлган сўзлардир”¹ – дейилади. Лекин, кўп ҳолларда хатоликларга ҳам йўл қўйилиши таъкидланади. Умумий тилшуносликда “синоним” тушунчасига таъриф беришда турли нуқтаи назарлар мавжуд. Мазкур нуқтаи назарлардан бизга маълум бир-иккитасини мисол тариқасида келтирамиз.

Биринчисига кўра, синоним сўзлар – бу бир хил маънога эга, лекин шакли турли хил бўлган сўзлардир. Бу фикрни кўпчилик олимлар қўллаб-куватлайдилар.

Иккинчисига кўра, синоним сўзлар – бу талаффузи турлича, маъноси эса бир хил бўлмаган, аммо жуда яқин бўлган сўзлардир. Бундай нуқтаи назарни эса кўпчилик машхур тилшунослар ҳимоя қиласидилар.²

Бу икки хил нуқтаи назардан иккинчисига қўшилган ҳолда, уни тўғри деб ҳисоблаб, синонимларга ўз таърифимизни беришга ҳаракат қиласиз: “Бир сўз туркумига оид бўлган, турли шаклда ёзилиб, лекин маъно жиҳатдан бир-бирига яқин, баъзан эса жуда яқин бўлган сўзларга синоним дейилади”.

Хитой тилида: 同义词 [tóngyìcí] “синоним”, 等义词 [děngyìcí] “бир-бирига айнан ўхшаш сўзлар”, 近义词 [jìnyìcí] “яқин маъноли сўзлар” тушунчалари мавжуд бўлиб, уларнинг учласи ҳам синонимларни ифодалайди.

¹贺国伟“现代汉语同义词词典”, 2005年, 550页

²牟淑媛, 王硕“语近义词学习手册”- 北京: 北京大学出版社, 2004, 179页

同义词 [tóngyìcí] тушунчаси нисбатан умумийроқ тушунча ҳисобланади. Мазкур сўз тадқиқотчининг нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда, 等义词 [děngyìcí]] ва 近义词 [jìnyìcí] тушунчаларини ўз ичига олиши ҳам, олмаслиги ҳам мумкин.

Хитой тилидаги айнан 等义词 [děngyìcí] тушунчасига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур тушунчани ўзбек тилига “бир-бирига яқин маъноли сўзлар” деб таржима қилиш мумкин. Бу тушунчанинг келиб чиқиши билан боғлиқ саволлар, шунингдек, 等义词 [děngyìcí] ва 同义词 [tóngyìcí] тушунчаларининг синоним ёки синоним эмаслиги ва улар ўртасида боғлиқлик бор-йўқлиги ҳақидаги саволлар тадқиқотчилар ўртасида бир қатор баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Хитой тилидаги адабий ёдгорликлардан бирида айтилишича, яқин маъноли сўзлар – бу маъно жиҳатдан ва ушбу маъно ҳажми жиҳатдан фарқларга эга бўлмаган сўзлардир.

Шу билан бир вақтда, мазкур сўзларни мутлақ синоним сифатида эътироф этиш учун ҳам ҳеч қандай далиллар мавжуд эмас. Бундан ташқари, 等义词 [děngyìcí]лар 同义词 [tóngyìcí] тушунчасига мансуб сўзлардир деган фикр ҳам мавжуд. Мазкур нуқтаи назар синонимларни яқин маъноли сўзлар сифатида эътироф этиш натижасида вужудга келган. Шу билан бир вақтда, хитой тилидаги синонимларнинг аниқланишига бағишлиланган кўпгина ишларда сўзлар семантик хусусиятларга кўра фарқланиши мумкин.

Сиёсий жараёнларнинг ривожланиши, аҳоли турмуш тарзининг ўзгариши каби жараёнлар таълим тизимиға ҳам таъсир этмай қолмади. Хитойда синонимларнинг ўрганилишига замонавий ёндашув XX асрнинг ўрталаридан бошланди. Юқорида таъкидланганидек, синонимларга яқин (бир хил) маъноли сўзларни киритиш мумкин. Мазкур фикрни кўпчилик тадқиқотчилар маъкуллашар экан, улар синонимик муносабатларининг асоси деб, сўзлар ўртасидаги маъновий ўхшашликни эътироф этадилар. 刘叔新(Лиу Шу-хин) ўзининг“同义词语和反义词语” (“Синонимлар ва яқин маъноли сўзлар тавсифи”) деб номланган ишида қўйидаги синонимларни таҳлил қиласар экан: 拉 [lā] - ташимоқ, ташиб юрмоқ; 背 [bēi] - олиб бормоқ, элтмоқ; 牵 [qiān] - элтмоқ, олиб бормоқ; 押 [chēn] - судрамоқ; 拙 [chē] - судрамоқ; 抽 [chōu] - судрамоқ, ташимоқ; 拔 [bá] - тортиб кетмоқ; мазкур синонимик қатордаги сўзлардаги сўзлардан умумий маънони ажратиб кўрсатиш мумкинлигини айтиб ўтади.¹

Бу фикрга қарама-қарши нуқтаи назар ҳам вужудга келди, унга асос қилиб синонимларнинг икки мутлақ бир хил маънога эга бўлган икки ёки ундан ортиқ сўзлар эканлиги ҳақидаги назария олинганди. Мазкур нуқтаи назар “маъно жиҳатдан яқин сўзлар тушунчаси” - 同义说 [tóngyìshuō] номини олган. Мазкур назария катта ривожланишига эга бўлмади, чунки кўпчилик тилшуносларнинг фикрича, бу назарияда назарда тутилган синонимлар сони чегаралангандир. Ўзбек тилшунослигига мазкур тушунча “мутлақ синонимлар” деб ном олган. Мутлақ синонимларнинг асосий хусусияти уларнинг чегараланган маъновий бир хилликка эгалигидир. Бу эса сўзлар маъноларининг айнан ўхшаш эканлигини англатади.

Маъно жиҳатдан мутлақ мос тушувчи сўзлар назариясини яқин маъноли сўзлар назарияси билан бир қаторга қўйиш мумкин, мазкур назария муайян хусусиятлар билан фарқланувчи “яқин маъноли сўзлар тушунчаси” - 近义说 [jìnyìshuō] назарияси деб аталади.

Хитой тадқиқотчилари ўртасида яна шундай фикр мавжудки, унга кўра маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган сўзлар 近义词 [jìnyìcí] деб аталувчи алоҳида гурухга мансубдир.

¹刘叔新“同义词语和反义词语”,二人合著,商务印书馆,1992, 68页

Мазкур нуқтаи назарга кўра, якин маъноли сўзларни синоним деб хисоблаб бўлмайди, чунки бу сўзлар маъно чегараси, таъсирчанлик даражаси, тушунча ёки ҳодисанинг баҳолаши, турли услубларда қўлланилиши жиҳатидан турлича бўлиши мумкин. Хитой тилшунослари томонидан мазкур нуқтаи назар етарлича ўрганилган. Шунга қарамай, сўзларнинг маъносини нотўғри аниқланиши юзасидан ва бир қатор бошқа мунозарали масалалар мавжуд. Мазкур назариянинг ўрганилишини қийинлаштирувчи омил бўлиб муайян маъно ва контекст бўйича мос тушувчи сўзларнинг жуда қўплиги хизмат қиласди. Ҳозирги замон хитой тилида синонимларни илмий ўрганиш борасида хитой тилшунослигида кўплаб илмий ишлар олиб борилган. Хусусан, 周玉琨 (Zhou Yukun)нинг “现代汉语近义词研究述评” (“Ҳозирги замон хитой тили синонимларини ўрганиш”) мақоласида 近义词 ва 同义词 тушунчаларига атрофлича тўхталиб ўтилган. Унда айтилишича, хитой тилида jīnyīcī ва tongyīcī тушунчалари аралаштириб юборилади, бу эса “tongyīcī бу – маъноси бир хил ёки бир-бирига яқин бўлган сўзлардир” деган назариядан келиб чиқкан.¹

Jīnyīcī тушунчасига алоҳида ва нисбатан эртароқ эътибор қаратган тилшунос сифатида 孙常叙 (Сун Чанг-ху) эътироф этилади. У “汉语词汇” (“Хитой тили лексикаси”) китобида Jīnyīcī ва tongyīcīлар бир-бирига умуман ўхшамаслиги ва алоҳида тадқиқот талаб этишини айтиб ўтади.² Шунга қарамай, бир қатор тилшуносларнинг нуқтаи назари юкоридаги фикрлардан анчагина фарқ қиласди. Жумладан, 张静 (Zhang Jing) лексика фанидан маъruzalariдан бирида tongyīcīларнинг уч турини ажратиб кўрсатади: 等义同义词 [děngyì tóngyīcí] – тенг маъноли бирида tongyīcīлар, 交叉同义词 [jiāochā tónghǐcí] – параллель tongyīcīлар ва 近义同义词 [jìnyì tóngyīcí]. Кўриниб турибдики, унинг фикрига кўра, jīnyīcī tongyīcīнинг бир туридир.³

Умуман олганда синоним сўзлар таржима жараёнида айниқса синхрон ҳамда кетма-кет таржима жараёнида ўзгача мураккаблик касб этибгина қолмай у тилнинг энг қизиқ бўлими ҳам хисобланади. Ҳар бир синоним сўзларнинг умумий ўхшашлиги бўлиши билан бир қаторда уларнинг фарқли томонларини ҳам учратиш мумкин. Бу эса ҳар бир таржиманинг ўзига хослигидан ва шу хитой тилида сўзлашувчи ҳалқларнинг урф-одатларидан келиб чиқади. Мисол учун, хитой тилида бир сўз ҳам феъл бўлиб келиши мумкин, ҳам от бўлиб келиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, баъзи синонимлар матндан келиб чиқсан ҳолда, бир-бирига ўхшаш бўлмаган маъноларни ифодалashi мумкин деган фикрга келиш мумкин.

你有什么是需要我帮忙的吗？[Nǐ yǒu shé me shì xūyào wǒ bāngmáng de ma?] – Мен ёрдам беришим керак бўлган бирор юмушинг борми?

我去帮你取药吧。[Wǒ qù bāng nǐ qù yào ba] – Бориб сен учун дори олиб келаман.

Бундан ташқари, 帮助 [bāngzhù], 帮忙 [bāngmáng], 帮 [bāng] фе’лларини таржимон таржима қилаётган пайтда услубий жиҳатдан ҳам уларни тўғри фарқлай олиши зарур. 帮助 [bāngzhù] ёзма ва оғзаки нутқда ишлатилади. 帮忙 [bāngmáng] ва 帮 [bāng]да эса оғзаки нутқ оҳангি кучлироқ бўлиб, кўпинча сўзлашув услубида қўлланилади.

Баъзан бўғин сонининг мослашуви ҳам 帮助 [bāngzhù] ва 帮 [bāng]нинг қўлланилишини белгилаб беради. Масалан: 你们要互相帮助。你们要互相帮。[Nǐmen yào hùxiāng bāngzhù. Nǐmen yào hùxiāng bāng] – Сизлар бир-бирингизга ёрдам беришингиз керак. Таржимон

¹ 周玉琨“代汉语近义词研究述评”,通化师范学院中文系,吉林通化, 2012 年

²孙常叙“汉语词汇”, 吉林人民出版社, 1996 年, 88 页

³张静“词汇教学讲话”, 武汉: 湖北人民出版社, 1997 年

SHARQ MASHE'ALI

мазкур ҳолатни хитой тилига таржима қилаётган пайтда 互相 сўзи икки бўғинли бўлгани учун ундан кейин 帮助 сўзини ишлатса мақсадга мувофиқ бўлади.

请你多加帮助。请你多加帮。[Qǐng nǐ duōjīā bāngzhù. Qǐng nǐ duōjīā bāng] – Сиздан янада кўпроқ ёрдам кутиб қоламиз. Бу гапда эса 加 сўзи бир бўғинли бўлиб, 帮 билан кўпроқ мослашади.

[bāngzhù], 帮忙 [bāngmáng], 帮 [bāng] феъллари, шунингдек, бошқа сўзлар билан бирикишда ҳам бир қатор фарқий томонларга эгадир. 帮助 [bāngzhù] ва 帮 [bāng]дан кейин “过” [guò] ва “了” [le] ёрдамчи сўзлари қўлланилиши мумкин, 帮 [bāng], шунингдек, “着” [zhe] билан бирикади, аммо 帮助 [bāngzhù]да бундай хусусият йўқ. Масалан: 他帮助过那个孩子。[Tā bāngzhùguò nàgè háizi] 他帮过那个孩子。[Tā bāngguò nàgè háizi] – У ўша болага ёрдам берган.

Хулоса. Биз ушбу мақолада келтирилган таҳлиллар натижасида қўйидаги хулосаларга келдик:

синонимлар тил лугат бойлигининг муҳим қисмини ташкил этиб, улар шакл ва талаффузи турлича, аммо маъноси бир-бирига жуда яқин сўзлар, ўзаро маънодош бўлган сўзлардир. Синонимия ҳодисаси маъноси бир-бирига яқин бўлган сўзларнинг шакл жиҳатидан турлича бўлишидир.

Хитой тилида синонимлар 同义词[tóngyìcí], 等义词 [děngyìcí], 近义词 [jìnyìcí] тушунчалари билан ифодаланиб улар нозик маъно фарқларига эгадир. Хитой тилшуносларининг илмий ишларини кўриб чиқиб, 等义词 [děngyìcí] атамаси кўпроқ мутлақ синоним маъносида, 同义词 [tóngyìcí] ва 近义词 [jìnyìcí] эса лексик синонимлар маъносида қўлланиши аниқланди.

近义词 [jìnyìcí] va 同义词 [tóngyìcí] тушунчаларини илк бора фарқлаб берган тилшунос 孙常叙 (Sun Chang-xu) бўлиб, у ўзининг “汉语词汇” (“Хитой тили лексикаси”) китобида 近义词 [jìnyìcí] ва 同义词 [tóngyìcí]лар бир-бирига умуман ўхшамаслиги ва алоҳида тадқиқот талаб этишини айтиб ўтган.

Синонимларнинг таснифлашда икки хусусияти – фарқловчи ва дифференсияловчи (дараҷаловчи) хусусиятларига кўра хитой тилидаги синонимлар уч турга бўлинади: мазмуний-белгили, ҳиссий-услубий ва функционал-услубий синонимлар.

Хитой тилида синонимлар ўзининг шакл тузилишига кўра бир неча турга бўлинади. Уларни турларга бўлишда дастлаб, сўзда нечта бўғин борлигига, ундан кейин эса умумий ёки турли хилдаги элементларнинг бор йўқлигига эътибор қаратилади. Биринчи гурухга бир бўғинли сўзлар воситасида ифодаланган синонимлар, иккинчи гурухга бир бўғинли ва кўп бўғинли сўзлар билан ифодаланган синонимлар, учинчи гурухга икки ёки ундан ортиқ бўғиндан ташкил топган кўп бўғинли сўзлар киради.

Хитой тилида феълларнинг миқдори қўпчиликни ташкил этади ва морфологик-грамматик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Асосий қўлланмамиз ҳисобланган 牟淑媛 (Mou Shuoan) ва 王硕 (Wang Shuo)ларнинг “汉语近义词学习手册” (“Хитой тили синонимлари ўқув қўлланмаси”) китобидаги феъл-синонимлар сони ҳам умумий синонимлар миқдорининг 23 фоизини ташкил қиласди. Умумий қилиб айтганда, бу мақоламида хитойшунос таржимонлар учун муҳим бўлган синоним созларни таржима жараённида кўриб чиқишга ҳаракат қилдик. Тил сатҳида, таржима жараённида синонимларни тўғри қўллай билиш бу санъат ҳисобланниб, гапнинг моҳиятини, шаклини, мазмунини ўзида мужассамлаштиришини ўрганишга ҳаракат қилдик.

